

# *Bola va Zamon*

Научно-популярный журнал детской и возрастной консультации

2  
2020

Сўз  
ва восита  
бирлиги

Ақлий фаоллик – ўзлаш-  
тиришнинг муҳим омили

# Bola va Zamon

2 / 2020

## Таҳрир кенгаси аъзолари

Ш.Х. Шерматов,  
А.К. Шадманов,  
И. Маджидов,  
А.В. Шин

## Таҳрир ҳайъати аъзолари

Шокирова Зухра Илёсновна  
(бош мухаррир),  
Яннеева Мухаёвна Шурниязовна  
(бош мухаррир ўринбосари),  
Алимова Васила Саттаровна  
(тиббиёт фанлари номзоди),  
Абдурасурова Кумринисо Раимкуловна  
(юридик фанлар доктори),  
Газиев Эргаш Газиевич  
(психология фанлари доктори),  
Мусурманова Айниса Мусурмановна  
(педагогика фанлари доктори),  
Исмаилов Баходир Исламович  
(юридик фанлар доктори),  
Исмаилов Исомиддин  
(юридик фанлар доктори),  
Исройлова Нодира Ачилбаевна  
(фалсафа фанлари номзоди),  
Муминова Лола Рахимовна  
(педагогика фанлари доктори),  
Сафаев Нуриддин Салихович  
(психология фанлари доктори),  
Хрульнова Гелена Вячеславовна  
(психология фанлари номзоди),  
Шарипова Диляра Джуманиязовна  
(педагогика фанлари доктори),  
Шарипова Мадина Каримовна  
(тиббиёт фанлари доктори),  
Кодиров Ботир Рахмонкулович  
(психология фанлари доктори)

## Журналнинг ушбу сони учун масъул ходимлар

Виктор Саттаров (масъул котиб),  
Елена Калинина, Наргиза Қаҳхарова  
(мусахҳилар), Шерзод Алимов  
(фотосурат).

Журнал ЎзР ВМ ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг илмий даража талабгорлари чоп этиши лозим бўлган журнallлар рўйхатига кирилтилган.

**Таъсисчилар:** Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Sen Yolgi! Emassan» Республика болалар жамоатчилик жамғармаси.

Нашр Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига рўйхатдан ўтган Рўйхатдан ўтганлик тўррисидаги гувоҳнома рақами 0168; 2007 йил 11 январ. ISSN 2181-5496

**Таҳририят манзили:** 100100, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Абдулла Каҳхор кўчаси, 34-үй. Телефонлар: 281-50-16; 281-50-18; 281-49-54 (факс) Эл. поча: [bola-zamon@rambler.ru](mailto:bola-zamon@rambler.ru)

Ижтимоий тармоқдаги саҳифа:  
[www.facebook.com/bolavazamon](http://www.facebook.com/bolavazamon)

Муаллифнинг фикри ҳар доим ҳам таҳририят фикрига тўғри келавермайди. Таҳририят маколаларнинг услубий ҳатоларини тўғрилаш ва қисқартириш ҳуқуқини ўзида саклаб қолади. Таҳририятга юборилган маколалар этасига қайтарилмайди ва тақриз ёзилмайди.

Мнение редакции не всегда совпадает с мнением автора. Редакция оставляет за собой право на стилистическую правку и сокращение статей. При сланные в редакцию рукописи не возвращаются и не рецензируются.

## ЯНГИЛИКЛАР / НОВОСТИ

- Юртимда тинчлик сукунати! #Биз учун уйда қолинг# 2
- Ўзбекистонда ногиронлиги бор шахсларнинг турмуш сифатини оширишнинг тиббий ва ижтимоий жиҳатлари 3

## ПСИХОЛОГИЯ ВА ТИББИЁТ / ПСИХОЛОГИЯ И МЕДИЦИНА

- Комплексное сопровождение развития воспитанников специализированных учебных заведений для трудновоспитуемых – залог эффективной профилактики и реинтеграции в социум неорганизованной молодежи 4
- Тўлиқ бўлмаган оиласларда вояга етаётган ўсмирларда коммуникатив малакаларнинг шаклланиши 7
- Ёшларда ҳуқуқий саводхонликни шакллантиришда ҳуқуқий аҳборотнинг ўрни ва аҳамияти 10
- Ижтимоий установка – инсоний муносабатлар манбай сифатида 12
- Психологические аспекты профессионального воспитания личности учителя 14
- Ижтимоий муносабатлар индикатори 17
- Илк ўсмир ёшидаги ўқувчиларда иродавий сифатларнинг намоён бўлиши 20
- Психофизиологик хусусиятлар – бола камолотининг асоси сифатида 22
- Оиласда ижтимоий тарбиянинг босқич ва воситалари 24
- Ҳуқуқий билимларни ўзлаштиришда ўқитувчи билан ўқувчи муносабати 26
- Бола учун меҳрли оила гўшаси 28
- Онгли ёндашув – самара кафолати 31

## ПЕДАГОГИКА ВА ТАЪЛИМ / ПЕДАГОГИКА И ОБРАЗОВАНИЕ

- Дилкашлик ва педагогик тақт – ўқитувчи фаолиятининг асоси сифатида 34
- Ўсмирларда визуал хотирани аниқлаш масалалари 37
- Оиласдаги ижтимоий низоларнинг турлари ва уларни келиб чиқиш сабаблари 40
- Драматизация как сценический метод преподавания иностранных языков в начальных классах 42
- Педагог – эзгулик ва тараққиёт ижодкори 46
- Ақлий фаоллик – ўзлаштиришнинг муҳим омили 48
- Ўқиш дарслкларидағи матнлар орқали ўқувчиларда ҳаётий компетенцияларни шакллантириш 50
- Истеъдод қирраларини шакллантириш маҳорати 53
- Мактабгача ёшдаги болаларда миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш масалалари 55

## МАХСУС ПЕДАГОГИКА / СПЕЦИАЛЬНАЯ ПЕДАГОГИКА

- Нутқида нуқсони бўлган болалар луғат захирасини шакллантириш жараёнида синквейн технологиясидан фойдаланиш 57
- Особенности коррекционно-развивающей и психологической помощи детям раннего возраста, воспитывающимся в интернатных учреждениях 61
- Сўз ва восита бирлиги 64
- Оғир нутқу нуқсонига эга бўлган (алалик) болаларда ҳаракат малакаларини ривожлантириш жараёнидаги логоритмик машқлар 66
- Мактабгача ёшдаги эштишида нуқсони бўлган болалар нутқини ривожлантириш 68
- Ақли заиф болаларни оиласи ҳаётга тайёрлашда кино санъати имкониятларидан фойдаланиш 70

# Хуқуқий билимларни ўзлаштиришда ўқитувчи билан ўқувчи муносабати

Азизбек НУРМАТОВ

Тошкент тиббиёт академияси  
ўқитувчиси

**X**уқуқий билимларни шакллантириш фақат бир даврни ўз ичи-  
та оладиган таълим жараёни эмас, балки бу шахс камолотининг барча босқичларида ўзлаштиришни тақозо этади. Болаларни қоидаларга амал қилишга, бурч ва масъулиятни ҳис қилишга ўргатиш оиласдан бошланади. Аммо уларнинг хуқуқ меъёрларига мослигини таъминлаш эса қўпроқ таълим-тарбия жараёни олдидаги муҳим вазифалардан саналади. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда фуқароларнинг хуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар шахс камолотининг барча босқичларини инобатга олган ҳолда ташкил этилган.

Бизнинг тадқиқотимиз узлуксиз таълимнинг бир босқичи доирасида амалга оширилган тажриба-синовларга бағишиланади. Аслида узлуксиз таълим жараёнида таълим оловчиларнинг хуқуқий саводхонлигини психологияк жиҳатдан тадқиқ этиш кенг кўламли ва ўзига хос ёндашувни тақозо этади. Шу боис биз ўз тадқиқотимизда шахс онтогенетик тараққиётининг ўзига хос босқичи саналган илк ўспиринларда хуқуқий тушунчалар шаклланишини психологик жиҳатларини ўрганишга эътибор қаратдик.

Ўтган вақт мобайнида ўқувчиларда тушунча шаклланишининг методологик масалалари хусусида қатор изланышлар олиб борилган [1,2,3].

**Таянч сўзлар:** хуқуқий билим, ўқувчилар, қасб-хунар колледжи, ўқувчи, ўқитувчи, муносабат, билиш.

## Аннотация / Abstract

**UZ.** Ушбу мақола узлуксиз таълим тизимининг турли босқичлари таълим оловчилари, жумладан, умумий ўрта таълим ва қасб-хунар колледжлари ўқувчиларида хуқуқий тушунчаларнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи психологияк омилларни ўрганишга бағишиланган. Муаллиф муаммони назарий ва амалий жиҳатларига эътибор қаратган бўлиб, ўқув жарёнида ўқитувчи билан ўқувчи муносабатларининг хуқуқий билимларни ўзлаштиришдаги аҳамияти таҳлил қилинган.

**RU.** Данная статья посвящена изучению психологических средств, влияющих на формирование правовых понятий получающих образование на разных этапах системы непрерывного образования, к примеру, учащихся общеобразовательных школ и средних специальных профессиональных учебных заведений. Автор, обратив внимание на раскрытие проблемы с теоретической и практической стороны, в процессе обучения проанализировал взаимоотношения учителя и ученика по усвоению правовых знаний обучаемыми.

**EN.** Given article devotes to studying of the role of psychological factors at formation of juridical concepts of students of professional college. Author have learned the problem in theoretical and practical aspects and analyzed the meaning of relation "teacher-pupil" by superiority of law knowledge.

Масалан, профессор Э.Ф.Фозиев изланишлари асосида тушунчани қўйидагича таърифлади: «Нарса ва ҳодисларнинг муҳим белгиларини, боғланишларини, моҳиятини ҳукмлар орқали фикран кенг ва чуқур акс эттиришдан иборат фикр юритиш шакли ва психик маҳсулни бўлган тушунча билишнинг муҳим жиҳатидир. Тушунча нарса ва ҳодисаларнинг умумий ва муҳим белгиларини акс эттирувчи фикрдир» [3].

Биз изланишимизда қасб-хунар колледжи ўқувчиларида юридик тушунчаларни шаклланишига хизмат қилувчи психологияк омилларни ўрганишга эътибор қаратдик. Бунинг учун қасб-хунар колледжи ўқувчилари билан хуқуқшунослик фани ўқитувчиларининг ўқув машғулотлари доирасидаги фаолияти устида тажриба-синов ўтказилди. Таълим жараёнининг са-марадорлиги ўқув машғулотни ташкил этишга, ўқув мотивларининг шаклланганлиги, ўқитувчи

билан ўқувчи муносабатлари-нинг ижобий ташкил этилишига ҳам боғлиқ.

Ўқувчининг хуқуқ фанига қизиқиши билимларни ўзлаштиришнинг бир шарти ҳисобланса, бунда ижобий таълим муҳити ҳам аҳамиятлидир. Тадқиқотимизда хуқуқ фани ўқитувчиси билан ўқувчилар ўртасидаги муносабатлар «Ўқитувчи билан ўқувчи муносабат» анкетаси ёрдамида ўрганилди. Анкетанинг моҳиятига кўра, ўқитувчи билан ўқувчи муносабатлари билиш, ҳис-туйғу ва хулқий жиҳатдан таҳлил этилди (1-жадвал).

Анкетадаги муносабатнинг «ҳиссий» жиҳати ўқитувчининг ўқувчилари билан муносабати шогирдларида нарса ва ҳодисалар, атрофдагиларга муносабат кўникмаларини, турли хилдаги ҳаётий вазиятларга тайёрлаш, шахслараро муносабатларга киришишга ўргатиш, ўзаро ишонч ва ҳурмат

түйғуларини шакллантириш лозимлигини ифодалайды.

«Билиш» жиҳати эса ўқитувчининг фаолияти асосан шогирдларига билим беришига, саводхонлигини оширишига, кўпроқ маълумотлар билан қуроллантиришга қаратилган.

«Хулқий» жиҳати эса ўқитувчи ўз муносабатини ўқувчиларига тўғри-нотўғри нималигини тушунишига, хатти-ҳаракатларини тартибга солишга, масъулият ва жавобгарлик ҳиссини, ўзаро ҳурмат, қадр-қиммат ва инсонларни эъзозлаш түйғуларини камол топтиришга йўналтирилганлигини ифодалайды.

Тажриба-синов натижаларида ҳуқук фани ўқитувчиси билан ўқувчилар муносабатида «ҳиссий» жиҳат (5,87 балл ва 4,37 балл) устувор бўлди. Демак, ўқитувчи ўқувчиларини атрофдагилар билан муносабатга киришишга, кутилмаган ҳаётӣ вазиятларга тайёрлаш, шахсларро муносабат қоидаларини ўзлаштиришга, ўзаро ишонч ва ҳурмат түйғуларини шакллантиришга кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Иккинчи ўринда эса ўқитувчининг ўқувчилар билан муносабатида «хулқ-атворт» жиҳатини муҳим деб ҳисоблаганлар (4,75 ва 4,25 балл). Ўқитувчи таълим жараёнида ўқувчиларини ҳаётга тайёрлаш керак деган хulosса билан ёндашаётганликларини гувоҳи бўлинди. Бундан кўринадики, ўқитувчининг ўқувчиларда хатти-ҳаракатларини тартибга солиш, масъулият ва жавобгарлик ҳиссини шакллантиришга, инсонларни ҳурмат қилиш ва эъзозлашга ўргатиш таълимтарбия жараёнининг муҳим вазифаси сифатида қарашларидан далолат бермоқда.

## 1-жадвал.

### Ҳуқук фани ўқитувчиси билан ўқувчи муносабат қўрсаткичлари

Фаолият жиҳатлари	Ўқитувчи		Ўқувчи	
	X	$\sigma$	X	$\sigma$
Ҳиссий	5,87	1,02	4,37	1,70
Билиш	4,18	1,10	3,37	0,95
Хулқ-атворт	4,75	1,00	4,25	1,23

**Изоҳ:** x-ўртача арифметик қиймат,  $\sigma$ -стандарт оғиши

## 2-жадвал.

### Ҳуқук фани ўқитувчиси билан ўқувчи муносабат қўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион муносабатлар

	Ҳиссий	Билиш	Хулқ-атворт
Ҳиссий	1	0,452**	0,220*
Билиш		1	0,258*
Хулқ-атворт			1

\*  $p\leq 0,05$ ; \*\*  $p\leq 0,01$



«Билиш» жиҳати ўқитувчи билан ўқувчилар муносабатининг ўзига хос томони саналади. Айнан ушбу жиҳат ўқувчиларнинг ҳуқуқий тушунчаларни ўзлаштиришида муҳим ўрин тутади (4,18 ва 3,37 балл).

Ўқитувчи билан ўқувчи муносабатиларида ички мослих ҳолати ўрганилди ва корреляцион таҳлил амалга оширилди. Корреляцион таҳлил ўқувчиларнинг ўқитувчилари билан муносабатининг уччала жиҳати ўзаро алоқадорликка эга, деган хуносани бермоқда: «ҳиссий» муносабатнинг ижобий тус олиши «билиш» ( $r=0,452$ ,  $p\leq 0,01$ ) ва «хулқ-атворт» ( $r=0,220$ ,  $p\leq 0,05$ ); ўқитувчи муносабатида «билиш» жиҳатининг ижобий ўзгаришларга эришиши «хулқ-атворт» жабҳаларида ўсишини келтириб чиқаришини ( $r=0,258$ ,

$p\leq 0,05$ ) ифодалади. Ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг муносабат жиҳатлари ўртасида уйғунлик мавжуд.

Тажриба-синов натижаларида кўра, ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларни ва илмий тушунчаларни ўзлаштиришига эришишларида:

- ҳуқук фанини ўқитиш жараёнида ўқитувчи билан ўқувчи муносабатининг ҳиссий, билиш ва хулқий жиҳатларини мувофиқлаштириш ҳамда уларни биттасига устувор тус бермаслик;
- машғулотларда таълим технологияларидан мақсадли фойдаланишни йўлга кўйиш ва уларни ўқувчиларнинг ёш психологик хусусиятларига мос келишини инобатга олиш лозим.

#### Адабиётлар:

- |   |  |  |  |
|---|--|--|--|
| 1. Дубровина И. В. Психология. // Учебник для студ. сред. пед. учеб., завед-тний. – М.: Издательский центр «Академия», 2004. 464 б. | 2. Фабрика И.В. Некоторы вопросы формирования понятия в юридической науке. – Вестник ЮУрГУ. «Право». 2013, том 13, № 4. 33-36-б. | 3. Фозиев Э.Ф. Тафаккур психологии. – Т.: Ўқитувчи, 1990. 184 б.                                 | 4. Газиев Э.Г. Самоуправление учебной деятельностью обучающихся. – Т.: Университет, 2008. 132 б. |
| 2. Фабрика И.В. Некоторы вопросы формирования понятия в юридической науке. – Вестник ЮУрГУ. «Право». 2013, том 13, № 4. 33-36-б.    | 3. Фозиев Э.Ф. Тафаккур психологии. – Т.: Ўқитувчи, 1990. 184 б.   | 4. Газиев Э.Г. Самоуправление учебной деятельностью обучающихся. – Т.: Университет, 2008. 132 б. | 5. www.ziyonet.uz  |